

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Б.Б. Жаҳонгиров**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт  
университети доценти

**А.Б. Бўронов**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт  
2-курс магистранти

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барча спорт турлари қатори футболга давлат сиёсати даражасида қаратилаётган эътибор сабаб, футболчиларимизнинг Осиё чемпионати, Осиё ўйинлари ва бошқа халқаро мусобақаларда иштирок этиши, Республика, вилоят футбол федерацияларининг ташкил этилиши ва футбол мураббийлари, мутахассислари ва ҳакамларларга бўлган муносабатларни қайта тиклаш ва ривожлантирилиши ҳақида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** мустақиллик, давлат, республика, сиёсат, вилоят, федерация, футбол, мураббий. мутахассис, ҳакам, муносабат, Осиё ўйинлари, футбол, лига.

**Abstract:** In this article, during the years of independence, football, along with all sports, was paid attention at the level of state policy, the participation of our football players in the Asian Championships, the Asian Games and other international competitions, the establishment of republican and regional football federations, as well as the restoration and development of relations with football coaches, experts and judges.

**Key words:** independence, state, republic, politics, region, federation, football, coach. expert, referee, attitude, Asian games, football, league.

1991-йилда Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Футбол Федерацияси (ЎФФ) 1994-йилдан бошлаб, Осиё Футбол Конфедерацияси (ОФК) ҳамда ФИФАнинг тўлақонли аъзосига айланди. Шу йўл билан мамлакат жамоалари йирик халқаро турнирларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. [1]

Жаҳон ва Осиё чемпионати бахслари, Олимпиада ва Осиё ўйинлари мусобақалари ўз навбатида Федерация раҳбарларини футбол мутахассислари, мураббийлар ва барча даражадаги мураббийларига бўлган муносабатларини тиклаш ва қайта йўлга қўйиш имкониятини яратиб берди. Ана шу эътибор ва ҳаракатлар боис, турли йилларда Фарғонанинг Нефтчи ҳамда Қаршининг Насаф жамоалари Осиёнинг клублар ўртасидаги нуфузли Қитъа Кубоги ўйинларида мувафақиятли иштирок этди. [2]

Ўзбекистон терма жамоасининг 1994-йилда, Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида чемпион бўлганини алоҳида тилга олиш мумкин. Бу ҳозирга қадар, Ўзбекистон терма жамоасининг энг катта ютуқларидан бири саналади. [3]

1992-йилда “Жисмоний тарбия ва спорт” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши мазкур соҳа билан боғлиқ турли масалаларнинг тартибга солинишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

«Ўзбекистон Республикасида футболнинг кейинги истиқболларини белгилаш тўғрисида»ги Қонуни (144-сонли; 18/03/1993) «Ўзбекистонда футбол тараққиётининг принциплари ва асосларини тубдан амалга ошириш тўғрисида»ги Қонуни (27-сонли, 17/01/1996) «Ўзбекистонда Футбол тараққиёти жамғармасининг фаолиятини яхшилаш ва уни қўллаб қувватлаш тўғрисида»ги Қонуни 1998-йилнинг 6-июлида қабул қилиб, 238-сонли қонун этиб белгилаб қўйилди. Бу қонун Ўзбекистонда футболни ривожлантириш бўйича 2006-

йилгача амалда бўладиган миллий дастурга ишора эди.1996-йилнинг 17-январидида қабул қилинган 27-сонли қонун ёрдамида профессионал клублар тизими орқали республикада футболни ривожлантириш сиёсати аниқлаб олинди.[4]

Ўзбекистон чемпионатининг Олий Лигасида ҳозирга келиб, 14 та жамоа иштирок этади. Биринчи Лигада эса, 20 га яқин профессионал футбол клублари кураш олиб бормоқда. 200 дан ортиқ клублар эса, иккинчи лигада биринчи лига йўлланмаси учун курашни давом эттирмоқда. 1999-йил 27-май 271-сонли “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Шунингдек, 2000-йилда Футзал, яъни мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионати иккинчи ўринни эгаллади.[5]

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги» қонун лойиҳаси 2000-йилнинг 26-майида қабул қилинди. Тошкентда ФИФА ҳамда ОФК мутахассислари иштирокида халқаро семинарлар ҳам уюштирилди. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ишларни ташкил этиш учун Ўзбекистон Футбол Федерацияси таркибидаги вилоят футбол федерацияси яратилди. [6]

Юртимизда футбол спорт тури каби барча спорт йўналишларининг тараққий этиб боришида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг қуйидаги асосий тамойиллари муҳим аҳамиятга эгадир:

- инсонпарварлик;
- демократизм;
- фуқаролар жисмоний тарбиясининг ўзлуксизлиги ва давомийлиги;
- жисмоний тарбия ва спорт тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг

уйғунлиги.[7]

2002-йилга бориб, 20-ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Жаҳон Чемпионатининг финал қисмига йўлланмани қўлга киритди. Президентимизнинг “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2006 йил 1 май ПҚ-338-сонли Қарори ва

“Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2007 йил 28 май ПҚ-643-сонли Қарори қабул қилинди ва бу қарор Ўзбекистон футбол клубларининг жаҳон ареналарида муносиб ўрин эгаллашида алоҳида аҳамият касб этди. [8]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган “2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида куриб битказилган “Бунёдкор” стадиони бу каби эзгу ишларнинг амалий ифодаси бўлди. [9]

Хулоса қилиб айтганда, миллионлар ўйини футболни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатиш ва зарур шарт-шароитларни яратишимиз футбол клубларини моддий техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига жавоб берадиган ўйинлар намоиш этиб, Жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида ва халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишда юқори малакали футболчиларни тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини оширишга эришилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

- 1.Ахматов М.С. Ўзлуксиз таълим тизимида оммавий спорт ҳаракатининг ташкилий ва бошқарув асослари. “Фан – спортга “ 2004, №2.
- 2.Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг ҳиндистон билан илмий - техникавий алоқалари. Academic research in educational sciences.Issn 2181-1385 volume 3, issue 5 may, 2022.-Б.1059
- 3.Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илми-техникавий алоқалари. Ўтмишга назар журнали. 2021. 2-сон.-Б.16
4. 2015 йил 15 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги Қонуни.Халқ сўзи.газетаси.2015 йил 6 сентябр

5. Абидов Шавкат Усманович Ёш футболчилар мусобақа фаолияти кўрсаткичларининг техник тайёргарлик самарадорлиги билан ўзаро боғлиқлиги: Педагогика фан.ном...дисс.авторэф. – Т. 2011.-Б.15
6. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари. Academic research in educational science. Volume 2 | special issue 2 | 2021.02; -Б.987
7. Исраилов Ш.Х., Абидов Ш.У. Обучения технике игры в футбол юных спортсменов с учётом возрастных особенностей //Журнал «ИЗВЕСТИЯ ВУЗОВ». - Бишкек, 2009. - №7.
8. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан илмий - техникавий алоқалари. Academic research in educational sciences, 2021.05.volume.2. Issue.5.-Б.1017.
9. Жаҳонгиров Б.Б. Международные связи Узбекистана в области науки. International scientific and practical conference. The time of scientific progress, Warsaw, Polsha, 05.11.2022. Session1, Part 3. – С.20.